

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

6«12»2022 yil.

260-10-214-ХТ/2022-son

Охангарон шаҳар Халқ Таълими Булими номидан низом асосида иш кўрувчи М.Тожибоев бир томондан ва кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган иккинчи томондан «OLMALIQ SANOAT QURILISH - INVEST», маъсулияти чекланган жамияти номидан устав асосида иш кўрувчи Ш.Б.Вахобов кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади билан буйича қуйидаги шартномани туздик.

1. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари сметага асосан олиб борилади, ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси Смета ва (Форма-2-3) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нарҳини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Охангарон шаҳар 4 кичик ноҳия ҳудудида жойлашган **Охангарон шаҳар ХТБга қарашли 1-умумтаълим мактаб биноси ҳудудига хожатхона қуриш хизмати**, буйича сметада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нарҳларда **466 141 514 (Турт юз олтмиш олти миллион бир юз қирқ бир минг беш юз ун турт)** сум ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди(қонунда қўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарҳларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада ҳамда ундаги ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи: мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш; ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига Тегишли илова рақами-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади.

6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин қўчга қиради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 (олтмиш) кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

7. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказилади, бу **139 842 454.20 (Бир юз уттиз туккиз миллион саккиз юз қирқ икки минг тўрт юз эллик тўрт 20)сумни** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2-3) асосан амалга оширилади.

Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг Молиялашнинг умумий суммага нисбатан максимал фоизи фоизигача доирасида амалга оширилади.

16. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган Қурилиш тугаллангандан кейин икки босқичда тўланадиган миқдор фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;

объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб Объект қабул қилингандан кейин биринчи босқичда тўланадиган миқдор ой мобайнида - ишлар қийматининг камида Объект қабул қилингандан кейин иккинчи босқичда тўланадиган миқдор фоизи миқдорида; мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин-ишлар қийматининг Кафолат муддати тугагандан кейин тўланадиган миқдор фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб олтмиш кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

19. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни ўз хисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишнадзорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши, санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. Ишларни қўриқлаш

31. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

10. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

32. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ноқулай оби-хаво ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

33. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

11. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

34. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

35. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёриги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб Объектни қабул қилиш муддати кун мобайнида қабул қилиб олинади.

36. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан Ҳужжатларни тақдим этиш муддати кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

37. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

12. КАФОЛАТЛАР

38. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

39. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида Объектни ички тизими кафолат муддати ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида Объектни том қисми кафолат муддати ой этиб белгиланади.

40. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

41. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

13. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

40. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда; ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда; конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

41. Пудратчи: ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда; конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

42. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

43. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

44. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

45. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

46. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

47. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 (Уттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

48. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош торгганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош торгган сумманинг 10 (Ун) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

49. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 (Эллик) фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 (Эллик) фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

50. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 50 (Эллик) фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

51. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

52. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

15. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

53. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Пудратчи жойлашган ҳудуддаги иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

16. АЛОХИДА ШАРТЛАР

54. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро қелишувлари ўз кучини йўқотади.

55. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

56. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

57. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан қелиб қолган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

58. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш саноатига бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

59. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

60. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 (Уч) нусхада тузилди.

61. Мазкур шартнома томонлар томонидан имзоланиб руйхатдан утказилган қундан бошлаб 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

Шартномасининг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни шартларини тўлик бажармасликдан ва бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

17. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БЎЛИМ


62. Шартноманинг шартларини ижро этиш вақтида томонлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари орқали ўзларининг мақсадларига этишиш учун тўғри ёки билвосита бирон бир шахсларнинг қарорлари ёки ҳаракатларига таъсир ўтказиш йўли билан ноқонуний афзалликларга эришиш учун ҳеч қандай қимматли буюмларни совға қилмайди, хизматлар кўрсатмайди ёки тўловларни амалга оширмайди.

63. Шартноманинг шартларини ижро этиш вақтида томонлар, уларнинг аффилланган шахслари, ходимлари ёки воситачилари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида пора олиш ёки пора бериш билан квалификация қилинадиган ҳамда Қонунчилик ва жинойтдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар билан таъқиқланган хатти-ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

64. Томонларнинг бирида ушбу бўлимнинг бирон-бир моддаси бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигига шубҳа туғилганда иккинчи томонни ёзма равишда хабардор қилади. Ёзма хабарномада хабар берувчи томон фактларга таянган ёки тегишли материалларни тақдим этган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида пора олиш ёки пора бериш билан квалификация қилинадиган ҳамда Қонунчилик ва жинойтдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар билан таъқиқланган хатти-ҳаракатлар амалга оширилганлигини ёки амалга оширилиши мумкинлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлиши керак. Ёзма хабарномани юборгандан кейин, ҳолатнинг бўлган ёки бўлмаганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатни олгунича томон шартноманинг шартларини бажаришни тўхтатиб туриши мумкин. Тасдиқловчи ҳужжат хабарнома юборилган кундан 10 иш куни ичида тақдим этилиши керак.

18. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи:	Пудратчи:
<p>Охангарон шаҳар Халқ Таълими Бўлими</p> <p>Охангарон шаҳар Охунбобоев кўчаси 1 даха 1 уй</p> <p>Тел.645-13-11 ИНН 207268201 МФО 00014</p> <p>Х/р 401722860274157092100075026</p> <p>Охангарон шаҳар Ғазначилик бўлими</p> <p>Х/Р 23402000300100001010 МФО 00014</p> <p>ИНН 201122919</p> <p>ХТБ ВВБ МУДИРИ М.Тожибоев</p>	<p>«OLMALIQ SANOAT QURILISH - INVEST» масъулияти чекланган жамияти</p> <p>Манзили: г. Алмалык ул. Металлург 4-а</p> <p>Телефон (99) 833-29-28</p> <p>р/с 2020 8000 0009 4477 9001</p> <p>АТБ «Хамкорбанк» ф-л г. Алмалык</p> <p>МФО 00988 ИНН 305 859 026 ОКЭД 41202</p> <p>Директор  Ш.Б Вахобов</p>

	<p>Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</p>	
	Imzolovchi F.I.SH.	MUSLIMBEK TAJIBAYEV TASHPULAT O'G'LI
	Imzolangan sana	06.12.2022 11:42
	Hujjat kodi	CW5021315821
	Hulosa kodi	HS1331150626

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

HS1331150626

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Oxangaron shahar XTBga karashli 1-sonli maktabda OPEN BYUDJET mablagi evaziga xojatxona kurish xizmati uchun**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Ohangaron shahar Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 02.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Oxangaron shahar
yuridik markazi
markaz rahbari:**



S.Z.XAKIMOV

05.12.2022

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 190567 на приобретение Тошкент вилояти Охангарон шаҳар Халк таълими бўлими тасаруфидаги 1-мактаб ташки хожатхонасини мукамал таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 30.11.2022

Время рассмотрения 30.11.2022 11:48

Закупочная комиссия Охангарон шаҳар Халк таълим бўлими (Распорядитель), (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	TAJIBAYEV MUSLIMBEK TASHPULAT O'G'LI	rahbar	Oxangaron shahar XTB
Секретарь комиссии	MUMINOVA SHOXISTA IXTIYOR QIZI	котиба	Охангарон ш ХТБ
Член комиссии	SAYDALIYEVA MUYASSAR UKTAMOVNA	Завхоз	Охангарон ШХТБ
Член комиссии	XASANOVA KAMOLA ABDUKARIMOVNA	Бош мутухасис куришлиш бўлими	Охангарон ш ХТБўлими
Член комиссии	ALIYEVA MANBUBA XXX	завхоз	1 мактаб
Член комиссии	ERGASHOVA OYSHIRIN BAXROMOVNA	Бош мухандис	Охангарон ш. ХТБўлими

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.11.2022 года № лота 190567.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 55.00 / Весовой коэф. ценовой части: 45.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Тошкент вилояти Охангарон шаҳар Халк таълими бўлими тасаруфидаги 1-мактаб ташки хожатхонасини мукамал таъмирлаш смета хужжатларига асосан сифатли бажариш.
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	484 997 777.00
Стартовая сумма	484 997 777.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Шунга ўхшаш ишларни бажарилганлиги тугрисида маълумот.(маълотномани ташкилот раҳбари ва тасисчиларининг-имзолари билан тасдиқлаши ва охириги 4-йил шартномани илова қилган ҳолда, PDF шаклида, топширилиши шарт.)

Тип: Текстовое значение

Описание: Шунга ўхшаш ишларни бажарилганлиги тугрисида маълумот.(маълотномани ташкилот раҳбари ва тасисчиларининг-имзолари билан тасдиқлаши, ҳамда охириги 4-йил шартномани илова қилган ҳолда, PDF шаклида, топширилиши шарт.)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OLMALIQ SANOAT QURILISH-INVEST	15	15	15	Экспертная		
BAL BALIQCHI ORZULARI X.K	15	Барча маълумотлар аслига тугри	12	Экспертная		
"HUSNIYAHON PLUS" M.Ch.J.	15	Маълумотномалар	8	Экспертная		
ООО ХАЙОТ ҚУРИЛИШ ХОЛДИНГ	15	Маълумотлар аслига тугри	10	Экспертная		
ООО DISCOVER SITY	15	Маълумотлар аслига тугри	8	Экспертная		
MCHJ ABLE JENERAL BM	15	1	15	Экспертная		
ООО MEGA PLYUS LYUKS	15	1	10	Экспертная		
ADXAM TAMIRSOZ BIZNES MCHJ	15	1	15	Экспертная		
RENAISSANCE BUILDER MCHJ	15	15	15	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчилари томонидан коррупсия кўринишларига йўл қўймаслиги бўйича кафолат хатининг мавжудлиги (кафолат хати ташкилот раҳбари ва тасисчиларининг имзолари билан тасдиқлаши шарт.)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчилари томонидан коррупсия кўринишларига йўл қўймаслиги бўйича кафолат хатининг мавжудлиги (2022-йил 14-ноябрдан олдинги маълумотлар қабул қилинмади.)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО OLMALIQ SANOAT QURILISH-INVEST	15	15	15	Экспертная		
BAL BALIQCHI ORZULARI X.K	15	Барча маълумотлар аслига тугри	15	Экспертная		
"HUSNIYAHON PLUS" M.Ch.J.	15	Маълумотномалар	15	Экспертная		
ООО ХАЙОТ ҚУРИЛИШ ХОЛДИНГ	15	Маълумотлар аслига тугри	15	Экспертная		
ООО DISCOVER SITY	15	Маълумотлар аслига тугри	15	Экспертная		
MCHJ ABLE JENERAL BM	15	1	10	Экспертная		
ООО MEGA PLYUS LYUKS	15	6	15	Экспертная		
ADXAM	15	1	15	Экспертная		

айенование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TAMIRSOZ BIZNES MCHJ						
RENAISSANCE BUILDER MCHJ	15	15	8	Экспертная		

Критерий №3 Ташкилотнинг тижорат таклифи ва оферта билан уз нархлари кшрсатиган холда. (таклифни ташкилот рахбари ва тасисчиларининг имзолари билан тасдиклаши шарт.)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг тижорат таклифи ва оферта билан уз нархлари кшрсатиган холда. (таклифни ташкилот рахбари ва тасисчиларининг имзолари билан тасдиклаши шарт.)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO OLMALIQ SANOAT QURILISH- INVEST	20	20	20	Экспертная		
BAL BALIQCHI ORZULARI X.K	20	Барча маълумотлар аслига тугри	20	Экспертная		
"HUSNIYAHON PLUS" M.Ch.J.	20	Маълумотномалар	20	Экспертная		
OOO XAYOT QURILISH XOLDING	20	Маълумотлар аслига тугри	20	Экспертная		
OOO DISCOVER SITY	20	Маълумотлар аслига тугри	8	Экспертная		
